



Ислом Нури

«... ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Роббингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни) покланг - намоз ўқинг!» (Қоф: 39) оятини ўқиди.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, ўн тўрт кунлик тўлин ойга боқиб, дедилар: «Сизлар Роббингизни худди шу ойни кўраётганингиздек кўрасизлар, Уни кўришда (тиқилинчдан) талашиб-тортишмайсизлар. Агар кун чиқишидан илгари ва кун ботишидан олдин намоз ўқишдан мағлуб бўлмасликка қодир бўлсаларингиз, шундай қилинглар.» Сўнгра «... **ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Роббингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни) покланг - намоз ўқинг!**» (Қоф: 39) оятини ўқиди.

«... ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Роббингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни) покланг - намоз ўқинг!» (Қоф: 39) оятини ўқиди.

Имом Бухорий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким икки салқин (бомдод ва аср намози)ни ўқиса, жаннатга киради», дедилар.

«... ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Роббингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни) покланг - намоз ўқинг!» (Қоф: 39) оятини ўқиди.

Имом Бухорий Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким аср намозини тарқ



қилса амали ҳабата бўлади», дедилар.

Шарҳ:

Аср намози ўрта намоз бўлиб, одамлар баъзи амаллар билан овора бўлиб турган вақт, бизнинг диёрларда ишлар айна авжига чиқиб, қизиган вақтга тўғри келади. Ҳозир шуни дарров тугатиб, кейин асрни ўқиб оламан деган одам кўпинча шом намози бўлиб қолганини сезмай қолади. Ҳамма ўлкаларда ҳам аср вақти бир нарса билан машғул бўладиган вақт, шунинг учун ҳам бўлса керакки Аллоҳ таоло бошқа намозларга нисбатан аср намозини ўз вақтида адо этишга қаттиқроқ буюрди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср ва бомдод намозини ўз вақтида адо қилиш жаннатга киришга, аср намозини ўқимаслик амалларнинг ҳабата бўлишига сабаб бўлишини хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Аср кўп фазилатли ўрта намоз.
2. Аср намозини ўз вақтида адо қилиш жаннатга киришга сабаб бўлади.
3. Аср намозини тарк қилган одамга қаттиқ ваъидлар бор.